**Бугунги сондан иқтибослар:**



Шаҳар ҳокими журналист ва блогерлар кетаётган автобус салонига чиқиб олди. Ўзини савол ва танқидлар ўқига тутган раҳбарни биринчи кўришим.



“MY5” телеканалига нотўғри эълон қилинган маълумотлар учун даъвогар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигидан узр сўраш ва туман ҳокимига етказилган маънавий зарар ҳамда ҳокимликнинг суд харажатларини тўлаб бериш мажбуриятини юклаш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.



Азиз ватандош, ҳурматли мутасадди, фарзандлар тақдирига бефарқ бўлманг. Ахир, Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз "Ўқув қайда бўлса улуғлик бўлар, билим кимда бўлса буюклик бўлар", деб бежиз айтмаган.



*Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
**4 ноябрь**
ЧОРШАНБА
**№ 75** (13336)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган


## “Оҳангаронцемент” АЖ: ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ





**“Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти республикамиз цемент ишлаб чиқариш саноатининг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхона мамлакатимиз цемент саноати рейтингида ишлаб чиқариш ҳажмига кўра иккинчи ўринни эгаллайди.**





Йилдан йилга корхонани техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, жараёнга босқичма-босқич илғор замонавий технологиялар, етук мутахассисларни жалб этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани сабабли жамиятнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифати юксалмоқда.

– Ҳозирги кунда корхонамизда 1 минг 166 киши меҳнат қилмоқда, – дейди корхона директори Геннадий Куликов. – Раҳбарият ишчи-ходимларнинг касбий малакасини ошириб боришга катта аҳамият қаратади. Биз биринчи навбатда, ишчи-ходимлар ва уларнинг оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келамиз. Колаверса, ходимларнинг маошларини мунтазам оширмоқдамиз.

Бугунги кунда корхонада цемент, портландцемент, жумладан, турли минераллар билан бойитилган 400 С маркали портландцемент ва клинкер маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур маҳсулотлар юқори даражадаги мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

**(Давоми 2-саҳифада)**

*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*

### Бугуннинг гапи

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилингани миллий таълим тизимида инқилобий ўзгариш, учинчи Ренессанснинг асосий пойдевори шаклланаётганининг ёрқин муждаси бўлди.**

## ТАРИХИЙ ФАРМОН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

Ушбу фармон лойиҳаси Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари томонидан Республикамизнинг барча ҳудудларида депутатлар кенгашлари билан биргаликда кенг муҳокама қилинмоқда.

Жумладан, ўтган ҳафта Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши ҳамкорлигида 32-сонли умумий ўрта таълим мактабида ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида, шунингдек, Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ТДПУ профессор-ўқитувчилари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ана шундай муҳокамалар ўтказилди.

Барча ҳудудларда бўлгани каби, Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибидан ҳам мазкур муҳим масала ўрин олди. Унда депутатлар ва туман фаоллари томонидан фармон лойиҳаси бўйича олиб борилган кенг кўламли тарғибот ва муҳокамаларда туман аҳолисидан келиб тушган 200 га яқин таклифлар кўриб чиқилди ҳамда бир қатор қўшимча мулоҳаза ва тавсиялар билдирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айни пайтда лойиҳа теварагида давом этаётган қизғин муҳокамаларда Президентимизнинг жорий йилда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида айтилган: “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонаман – ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар”, деган сўзларининг амалий натижасини дилдан ҳис қилиш мумкин.

Юртбошимизнинг юқоридаги фикрлари билан миллий таълим, миллий тарбиянинг фалсафий-назарий асослари илгари сурилган бўлса, мазкур Фармон билан эса миллий таълим тизимининг ҳуқуқий пойдевори қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, янги Ренессанс таълим-тарбиясиз бўлиши мумкин эмас. Мустаҳкам таълим тизимига асосланган бу янги таълим тараққиёти босқичи натижаси ўлароқ, юртимиздан яна буюк мутафаккирлар, янги Хоразмий ва Берунийлар, Ибн Сино ва Фаробийлар, Улуғбек ва Навоийлар етишиб чиқади.

Фармон қабул қилингач, яна бир қанча янги қонун ҳужжатлари сари қадам ташланади. Шулардан энг муҳими “Ўқитувчи мақоми” тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишидир.

Сабаби, яқиндагина қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” қонун таълим тизимидаги институционал тизимни яратади. Аммо, таълим тизимини ҳаракатлантирувчи шахс муаллимдир.

**(Давоми 2-саҳифада)**

### Пресс-тур

## ОЛМАЛИҚ ҲОКИМИ ТАНҚИДДАН ҚОЧМАЙДИ...МИ?

**Қиш мавсуми яқинлашиши муносабати билан кўп қаватли уйларни иситиш, носоз техникаларни таъмирлаш ишларидаги муаммолар бўй кўрсатмоқда. Вилоятимизнинг энг катта саноат шаҳарларидан бири – Олмалиқдаги пресс-тур айнан шу мавзуга бағишланди.**



Дастлаб шаҳар ҳокими Қобил Ҳамдамов иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида журналистлар сўрови билан зериктирувчи ҳисоботлар ўрнига, вилоятимизда илк бор қўлланилаётган пойтахтнинг Юнусобод тумани тажрибаси, унинг афзал жиҳатларига тўхталиб ўтилди. "Бошқарув сервис компания"си вакили Г. Норматов ахборотига кўра, шаҳарда хусусий ана шундай компаниялар иш бошлаган. Ўзини эплай олмаётган ширкатлар эса фаолиятини тўхтатади. Сервис компаниялари ўзининг бир қанча хизматларини тақдим этади ва айни дамда қизил рўйхатдаги ширкатларнинг 707 миллион қарздорлигини ўз зиммасига олади(!). Шаҳар ҳокими бу икки тизимни солиштирар экан, аввалгиси қарзга ботиб кетгани, аҳоли талабларини бажара олмаётганини айтиб ўтди:

– Ширкатлар аҳолининг ишончини қозона олмади. Айни дамда уларнинг банкдан қарзи 13 миллиард сўмни ташкил этади. Аҳолининг ширкатдан қарзи эса, 707 миллион сўм. Ваҳоланки, тўғри тизим йўлга қўйилса, йилига 7 миллиард даромад олса бўлади. 2 йил ичида қарздорликдан чиқиб кетиш мумкин.

Бу билан ширкатлар фаолияти бутунлай тўхтатилгани йўқ. Уларнинг молиявий ҳолати таҳлил қилиниб, ширкатлар "яхши" (яшил), "ўрта" (сариқ) ва "оғир" (қизил) тоифаларга ажратилиб, "оғир" аҳволдаги ширкатларга бириктирилган уйлар бошқарув сервис компанияларига ўтказилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**




**Бундан бир неча кун олдин “Қўйлиқ” бозорига тушдим. Расталарни айланарканман ёғ, тухум, гўшт ва шакарнинг нархи чўнтакка оғир ботаётгани ҳафсаламни пир қилди. Арзонроғи топилиб қолар, деган ниятда ҳамма расталарни айланиб чиқдим. Шунда бозор радиосидан озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлаштирилган ярмаркаси ташкил этилгани ҳақидаги хабарни эшитиб, ўша томонга бордим. У ерда одам гавжум, ҳақиқатан, озиқ-овқат маҳсулотлари анча арзон нархда сотиларди. Керакли нарсаларни харид қилдим...**

## АРЗОН ГЎШТ, ЁҒ ВА ШАКАРНИ бозордаги савдо ярмаркаларидан топасиз

Хўш, вилоятимиз ҳудудидаги бозорларда ҳам шундай фаолият йўлга қўйилганми? Аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, нархларнинг барқарорлигини сақлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида “Янгийўл шаҳар деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамиятида бўлдик.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## НЕГА ТАЪЛИМ РЕЙТИНГИДА ОХИРГИ ЎРИНЛАРДАМИЗ?

### Гапнинг очиғи

**Таълим-тарбия сифати ва таркиби ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган энг асосий омиллардан биридир. Дунё тажрибасига назар ташласак, Япония, Жанубий Корея, Финляндия, Норвегия каби давлатлар ёшлар таълим-тарбиясини мақсадли ислоҳ этиш натижасида юксак тараққиётга эришган.**

*Бизнинг давлатимизда ҳам бу борада қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Энг аввало, ривожланишдан ортда қолган мактабгача таълим тизимини тиклаш йўлида мардона қадам қўйилди. Кейинги муҳим қарор билан 11 йиллик мактаб таълимига ўтилди.*

*Ўқитувчилар ортиқча ҳужжатбозликлардан озод этилди. Аммо, таълим тизимида ҳали ҳануз камчиликлар кўп. Мисол учун, бирор соҳанинг етук ва билимли мутахассиси бўлган ёшлар жуда кам.*



**3**

# ТАРИХИЙ ФАРМОН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

Лекин, унинг ҳуқуқий мақоми ҳеч қаерда, ҳеч бир қонун билан мустаҳкамланмаган эди. Бу қонун эса, Ўзбекистон тарихида илк бор қабул қилинаётган тарихий ҳужжат бўлади. Фармон лойиҳасида кўрсатилаётган мазкур қонун лойиҳаси ҳозирги кунда ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва ролини белгилаб беради. Мана шу қонунни ҳам кенг жамоатчилик орасида пухта муҳокама қилиш керак. Зеро, жамиятни ўқитувчисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Кези келганда, лойиҳа юзасидан муҳокамалар давом этаётганидан фойдаланиб, қуйидагича қўшимча таклифларни билдириб ўтамиз. Барчамизга маълумки, жорий йилда Президентимиз ташаббуси билан, қишлоқ жойларда яшаётган, кам таъминланган оилаларга мансуб қизларнинг олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқишлари учун 940 та ўрин ажратилди. Бу эса, ўқувчи-қизларимизнинг ҳаётда, жамиятда ўз ўринларини топишларида мустаҳкам пойдевор бўлади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

“Ўйлайманки, қизларимиз учун яратилган бундай қўшимча имконият яна юзлаб оилаларга билим ва маърифат нурини олиб киради. Бу, ўз навбатида, ёш қизларимизнинг келажакда жамият учун муносиб касб эгалари бўлиб камол топишига пухта замин яратади. Биз бу борадаги ишларимиз кўламини бундан кейин ҳам янада кўпайтириб борамиз”, деб таъкидлаган эди Юртбошимиз. Мана шу сўзлардан келиб чиққан ҳолда, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти юқоридаги ташаббусни узвий давом эттириш мақсадида олий таълим муассасаларига айнан хотин-қизларимиз учун қатъий квоталар фоизларини белгилашни таклиф этади.

Барчамизга маълумки, сиёсий партиялар томонидан сайловларда 30 фоиз хотин-қизлар номзоди кўрсатилиши Сайлов кодексида қатъий белгилаб қўйилган. Натижада бугунги кунда, сенатор ва депутат хотин-қизларимиз сони ортиб бормоқда.

Ўйлаймизки, Президентимиз ташаббуслари билан берилган квоталар сони янада ортиб, қатъий ҳуқуқий мезонлар билан белгилаб берилиши жамиятда фаол, қатъий позициясига эга бўлган хотин-қизларнинг ўрни ошишида катта роль ўйнайди.

Шунингдек, фармон лойиҳасига таълим-тарбия масаласига бутун жамият эътиборини кучайтириш, ёш авлодга таълим билан бирга тарбия бериш жараёнлари ўртасида узвийликни таъминлаш, таълим муассасалари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик орасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш бўйича ҳамда 5 йиллик иш стажига эга бўлган бакалавр даражасидаги ходимларга ҳам фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш имкониятини яратиш ҳамда “Таълимда Гендер тенгликни таъминлаш концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ҳам қўшимча сифатида киритилди.

**С. МАҲМУДОВА,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси**

# ОЛМАЛИҚ ҲОКИМИ ТАНҚИДДАН ҚОЧМАЙДИ...МИ?

Айни дамда шаҳарда жами 676 та кўп қаватли уй-жой мавжуд бўлиб, шундан 355 тасига 38 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва 1 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кейинги манзилда аҳоли фикри ўрганилди. Қарангки, Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада яшовчи аҳолининг ҳоким ҳамда мутасаддиларга мурожаатлари анча йиғилиб қолган экан. Айтишларича, маҳаллага хизмат кўрсатувчи "Олмалиқ коммунал" ширкати яхши ишламаган. Кимдир маҳаллада бекат ва стадион йўқлигини айтса, кимдир кўп қаватли уйи олдига даладан сув оқиб келишидан нолияпти. Яна биров иссиқ сув, совуқ сувчилар кўчани кавлаб, қазилган жойни ёпмасдан кетганидан ёзғирди. Яна бир тишга тегадиган жиҳат борки, одамлар иссиқлик тизимига йил-ўн икки ой пул тўлаши, аммо уйлари уч ойгина исишини айтишди. "Иссиқлик манбаи" МЧЖ хизмати жавобига кўра, энди фақат иситиш даврига пул тўланади. 5 ойда тахминий ҳисоблашларга кўра, 30 кв.км майдонли хонадон эгаси 600 минг сўм тўлайди. Йиллик тўлов ҳам шунга яқин суммада бўлган. Бундан кўринадики, 12 ойлик маблағни эндиликда 6 ойда олишади. Ёш болани алдагандек "сихни ҳам кабобни ҳам" куйдиришмабди... Аммо, иссиқ сув етказиб берувчи ташкилотга ҳам осон эмас экан. Улар ҚҚС билан ОКМК-дан қиммат нархга сувни сотиб олиб, ҚҚСсиз уни аҳолига сотади. Жараёнда ширкатлар билан боғлиқ муаммолар ҳам бўлган. Мисол учун, битта ширкат 450 миллион сўм зарар келтирган. Уни суд орқали ундириб олиш режалаштирилмоқда экан. Аҳолининг ўзи ҳам "Иссиқлик манбаи" МЧЖ дан катта миқдорда (8 миллиард сўм) қарз. Йил давомида 11 миллиардлик товар реализация қилинган бўлса, иссиқ сув етказиб берувчи ташкилот зарарга ишлаган бўлади.

Навбатдаги манзил, Тожикистон чегарасида жойлашган "Теракли" қишлоғига жўнаш олдидан шаҳар ҳокими журналист ва блогерлар кетаётган автобус салонига чиқиб олди. Ўзини савол ва танқидлар ўқига тутган раҳбарни биринчи кўришим. Аммо, бу ҳоким имижига бирор салбий таъсир кўрсатмади. Аксинча, очиқлик, самимийлик, тан олиш ва бартараф этишга илк қадамни боса олиш хислатлари бизда илиқлик уйғотди...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Тоғлар орасидан қўним топган қишлоқ аҳолиси бизни қаршиларкан, 10-15 йиллик орзуси – кўчаларига сув келаётганидан мамнун эканликларини билдиришди. Тераклиликлар шу кунгача булоқ сувидан фойдаланишган экан. Аммо, табиий булоқлар тўхтаб қолибди. Шу боис, 200 та хонадонга 5 км. масофадан сув тортиб келинмоқда. Харажат 72 миллионни ташкил қилади. Ўйлаб кўрсангиз, бу маблағ одамларни 15 йил қийнайдиган даражада катта эмас. Аммо, сув олиб келиш лойиҳаси ушбу ташаббусни анча вақт кутгани ачинарли. Бугун қўрқмас, шижоатли кишилардан маълумот олиш чекимизга тушган кўринади. Маҳалла раиси Умурқул Камолович ҳам анча сўзамол чиқиб қолди. У қишлоқдаги бошқа муаммоларни ҳам яшириб ўтирмади: йўлнинг нотекислиги, маҳаллада дўкон йўқлиги, болалар майдони, яйловларни фермерлар олиб қўйгани ва ҳоказо...

Бу манзилда ҳудудий ноаниқликларга дуч келдик. Таъмирланма(йди)ган йўл, яйловлар Пискент туманига қараса, аҳоли яшайдиган манзил Олмалиқ шаҳрида бўлса. Аҳоли солиқни, барча коммунал тўловларни Олмалиққа тўлайди. Лекин, шу кунгача Пискент тумани ҳокимлигидан умидланаверади. Ўйлаб кўринг, асосий даромади чорвачиликдан бўлган маҳаллий аҳоли молини чанг йўлларда айлантириб боқадими? Хўп, фермер давлатга кўпроқ даромад келтирмоқда. Аммо, унинг имкониятлари бошқаларнинг имкониятларини чеклаган жойда тўхташи керак.

Бу муаммо ва камчиликлар ичида юрсангиз, лабиринтдан чиқиш йўлини йўқотиб қўяркансиз. Аммо, манзилга элтувчи йўлни тайинланганига бир ой ҳам бўлмаган ҳоким билан биргаликда топишларидан умидвормиз.

**Мадина АБДУСАМАТОВА,**
**/Тошкент ҳақиқати/**

# АРЗОН
## ГЎШТ, ЁҒ ВА ШАКАРНИ
## бозордаги савдо ярмаркаларидан топасиз





(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бозорда одам кўп. Чунки, бу ерга шу жойлик аҳолидан ташқари, Янгийўл, Чиноз, Зангиота туманларидан ҳам келишади. Бозорда сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда 50 ўринли савдо ярмаркаси ташкил этилган бўлиб, бу жойда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзонлаштирилган нархда сотилаяпти. Жумладан, қўй гўшти 55 минг сўм, мол гўшти 50 минг сўм, пахта ёғи 10 минг сўм, шакар 5 минг 900 сўм.

Ярмаркада Жиззах вилоятидаги “Пулписар” фермер хўжалиги қўй гўшти, Янгийўл туманидаги “Pomeat” МЧЖ мол гўшти, “Нежн парранда” эса тухум ҳамда “Янгийўл ёғ-мой” акциядорлик жамияти ёғ маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Кези келганда айтиш керакки, ҳудудий секторлар раҳбарлари гўшт расталарида савдо қиладиган тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, уларга нархларни асоссиз оширмаслик бўйича таклиф ва тавсиялар беришган.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Мансур ҲИММАТОВ*
*олган суратлар*



## “Оҳангаронцемент” АЖ:
# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Корхонада хом ашё қоришмаси, клинкер ва тайёр маҳсулотнинг сифати доимий назоратда. Лабораториянинг Россия ва Европадан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани цемент маҳсулоти сифатининг миллий стандартларга мувофиқлигини кафолатлайди. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар сертификатлаштириш марказларида чуқур текширувдан ўтказилади.

Қувонарлиси, яратилган шароитлар туфайли корхона йилма-йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб келмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг сентябрь ойи якунларига кўра, ўтган йилнинг мос даврига нисба-



тан цемент сотиш ҳажмини 5 фоизга (8.651 т.) оширди. Шунингдек, клинкер ишлаб чиқариш 3,7 фоизга (4.878 т.) кўпайди. Бундан ташқари, жорий йилдан 400 С маркали портландцементни 50 кг.ли қопларда қадоқлаб сотиш йўлга қўйилди. Бу харидорлар учун қулайлик яратиб, қурилиш объектларида сарфланаётган цемент миқдорини аниқ ҳисоб-китоб қилиш имконини беради.

Корхонада ишчи-ходимларнинг саломатлиги ҳақида ҳам қайғурилади. Уларга йилма-йил санаторий-профилакторийларга йўлланмалар ажратилади. Шунингдек, уларнинг фарзандлари ҳам доимий эътиборда. Корхонада ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Мен – биринчи синф ўқувчисиман” акцияси жорий йилда коронавирус пандемияси туфайли ўзгача тарзда ўтди. Яъни, карантин режими сабабли корхона ишчи-ходимларининг илк бор мактабга борадиган 88 нафар болаларига совға қилинадиган рюкзак ва ўқув қуроллари бу йил уйларига элтиб берилди.

Яна бир янгилик: ҳудудда йиллик қуввати 3 млн. тоннани ташкил этувчи янги цемент заводи жадаллик билан қурилмоқда. Заводга жаҳонга машҳур энергия тежамкор инновацион технологиялар ўрнатилмоқда. Бунинг натижасида энергия сарфи икки баробар қисқаради, 400 га яқин янги иш ўрни яратилади. Заводнинг қурилиш монтаж ишлари 2018 йилда бошланган бўлиб, жорий йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**/Тошкент ҳақиқати/**

Муносабат

> **“Мутаассиблик айнан демократия даврида вужудга келади, яъни чексиз озодлик оқибатида энг шафқатсиз қуллик пайдо бўлади.”**
>
> **Афлотун**

# ҲАҚИҚАТДАН

**Тараққий этган демократик жамиятлар тарихини ўрганган олимлар: – “Демократия инсон ақл-заковатининг маҳсули ҳисобланиб, унинг халқни ҳокимият бошқарувида иштирок этиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, ғоявий, маънавий, маърифий, ташкилий ва амалий хусусиятларни англатувчи жиҳатлари борки, уни маънавият ҳамда маърифатсиз англаб бўлмайди ва айнан шунинг учун демократияни ҳаётга жорий қилишда мамлакат халқининг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонлари эътиборга олиниши ғоят муҳим аҳамият касб этади”, деб хулоса қилишади.**

Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шахс, жамият ва давлат муносабатларига доир воқеалар ривожига қараганда биз демократияни номоддий неъмат сифатидаги асл моҳиятини англаб етмасдан, унинг аста-секин, босқичма-босқич шаклланиб ва ривожланиб борадиган узлуксиз жараён эканлигини белгиловчи формуласини бузаётганга ёки бошқача қилиб айтганда, аравани отдан олдин қўйиб юборганга ўхшаймиз. Ҳар ҳолда, ҳуқуқий жиҳатдан қараганда – айнан шундай!

Масалан, “демократия ва эркинлик” ҳақида баралла гапираётган ва эркин фикр баҳонасида мамлакат ҳаётида содир бўлаётган воқеаларга асослантирилмаган изоҳлар бераётган жамият аъзоларининг фикрлари билан келишиш жуда қийин, ҳатто, уларнинг гапларида “жон бор”дек кўринса ҳам. Чунки, улар ҳам барчамиз каби ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий дегродациялашув мавжуд бўлган жамиятда яшайдилар ва бундай жамият аъзолари – демократия ва эркинликнинг маънавий ҳамда ҳуқуқий чегараси бор эканлигини ҳозирча тан олмайдилар.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, биз демократияни юксак маънавият, фуқароларнинг ички маданияти ва интеллектуал имконияти ўлароқ умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, барчани қонунларга бўйсуниб яшашга ундайдиган умуминсоний, ҳуқуқий ва маънавий қадрият сифатида тушунадиган жамиятда яшаяпмиз деб айта олмаймиз ва шунинг учундирки, бизнинг жамиятда “танқид қилувчилар” ҳам худди “танқид қилинувчилар” каби, бир хил муолажага эҳтиёжманддирлар. Зеро, жамиятшунослар: “Демократия ҳар бир инсоннинг маънавий-маърифий салоҳияти муттасил юксалиб боришини тақозо этади”, деб таъкидлашади.

Мен танқидга қарши эмасман, албатта. Шунчаки, “Аввал ўзингга боқ, кейин ноғарангни қоқ” деганларидек, “демократия ва эркин фикр”ни ниқоб қилиб, бир-биримизга тош отиш, бир-биримиздан камчилик қидириш ёки бир аср давомида йиғилиб қолган муаммолар ва шу давр мобайнида шаклланган халқнинг яшаш тарзи учун бугунни айблаш билан шуғулланмасдан, ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин жамият қуриш мақсадига қараб, босқичма-босқич боришимиз керак, демоқчиман, холос.

Келинг, фактларга эътибор қаратайлик. 2019 йилнинг охирида интернет тармоқларида жамиятимизнинг диний вакилларидан бири Аброр Мухтор Алининг хонанда Юлдуз Усмонованинг шариатга доир фикрлари учун ҳақорат қилганлиги ва бунга жавобан Юлдуз Усмонованинг ҳолатни тушунтиришга уринишлари ҳақидаги видеоёзувлар тарқалиб, кенг муҳокама ва мунозарага сабаб бўлган эди. Худди шу каби, шу йил август ойида Аброр Мухтор Али ва блогер Қобул Дусовнинг ўзаро келишмовчилиги сабабли бир-бирини ҳақорат қилганлиги ва муштлашишгача боргани тасвирланган видеоёзув оммага тақдим этилди.

Ҳуқуқ ва жамиятшунослик фани нуқтаи назаридан шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин жамият қуриш йўлида бораётган давлатда бу каби масхарабозликка йўл қўйиб бўлмайди. Беихтиёр улардан сўрагинг келади: “Кенг оммага маънавиятингиз савиясини намойиш этишингиздан кўзланган асл мақсадларингиз нима, қайси асосларга кўра “шундай қилишга ҳаққим бор” деб ҳисоблаяпсиз, сизнингча бу демократия ёки эркинликми?”

Кечирасиз, ҳеч кимни бундай қилишга ҳам маънан, ҳам ҳуқуқан ҳаққи йўқ! Сиз кабиларнинг интернет тармоқлари орқали бундай чиқишлари жамиятда соғлом демократик қарашлар шаклланишига эмас, балки сизга тарафдор ёки қаршилар пайдо бўлишига ва ўз навбатида, жамиятимизнинг бир неча бўлакларга бўлинишига сабаб бўлади, холос. “Ташқаридаги душмандан ичингдаги нодон хавфлироқ” деганларидек, ёмонликни истаган ташқи душман жамиятнинг ичида юз бераётган воқеалар ва уларга туртки бўлаётган омиллардан шу жамиятнинг ўзига қарши фойдаланишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи ҳолатлар қонунларда кўрсатилган тартибда ҳал этилиши лозим. Шахс айнан мана шу йўл билан ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари биринчи қадамини қўйган бўлади.




Ёки, ҳозир бутун дунёда энг долзарб ва оғриқли бўлиб турган “COVID-19” пандемияси эълон қилиниши муносабати билан барча давлатлардаги каби бизнинг республикамизда ҳам карантин қоидалари жорий қилинди. Янги касалхоналар қурилди ва бир неча юзлаб шифохона ёки даволаш-профилактика масканлари коронавирус билан касалланганларни даволаш объектларига айлантирилди, вирус юқишининг олдини олиш ва даволаш учун бир неча юз миллиард сўм маблағлар ажратилди, карантин оқибатларини юмшатишга қаратилган Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Бу даврда ҳеч кимга осон бўлмади ва кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан норозичилик билдирган фуқароларимиз ҳам кўпчиликни ташкил қилди. Мана шундай оғир бир паллада интернет тармоқларида миллатни уятга қолдиришда бир-биридан қолишмайдиган видеотасвирлар айлантирила бошланди, билиб-билмай кимнидир айблаш, нималардандир норози бўлиш каби эҳтиросли изоҳлар кўпайгандан кўпайди, блогерларимиз ҳам четда қолишмади.

Албатта, ҳуқуқий демократик жамиятда ҳар кимнинг эркин фикр билдириш ҳуқуқи кафолатланган. Бироқ, шу билан бирга ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришида қонунларга сўзсиз риоя қилиши ва ўзгаларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги лозимлиги ҳам Конституциямизда қайд этилган.

Шу маънода, масалага ҳуқуқий жиҳатдан қаралганида интернет тармоқларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, уларнинг мансабдор шахсларини танқид қилаётган, вилоятлар, туманлар ёки қишлоқлардаги ҳолатларга изоҳлар бераётган, шунингдек, давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатлари ёки овозларини видео ва аудио тасмаларга тушириб, интернет тармоқларига қўяётган фуқароларимиз, шу жумладан, блогерларнинг ўзлари мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунлари талабларига кўпам риоя қилишаётгани йўқ.




## Вилоят бўйлаб



Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар эвазига вилоятимиздаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш лойиҳаси доирасида 4К 731 Қорасув-Дархон-Ёриқ-Туябўғиз йўлининг 16 километри таъмирланмоқда.

Ҳозирги кунда "Sino Industrial Tashkent" масъулияти чекланган жамияти ва TEKAR (Teknik Arastirma Ticaret Limeted Sirkati консорциуми) томонидан йўлни асфальтлаш охирига етказилмоқда.

**НУРАФШОН шаҳри**да "Ақлли болалар планетаси" номли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Давлат-хусусий шерикчилик асосида иш бошлаган мазкур маскан икки қаватли бўлиб, кенг ва ёруғ, барча қулайликларга эга. 100 га яқин болалар қабул қилинган боғчада мусиқа, рақс, ўзбек жанг санъати, шахмат-шашка, инглиз тили тўгараклари бор. Инглиз тилига ихтисослашган боғчада 30 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган.



**ЯНГИЙЎЛ тумани**нинг "Ифтихор" маҳалласида 36 гектар майдонга ёйилган чиқиндихонада ўн кундан бери ишчи гуруҳ аъзолари тозалаш ишларини олиб боришмоқда. Ёрдамчи куч сифатида замонавий транспорт воситалари ҳам олиб келинди.

Ушбу полигонда ҳар куни туман ҳокимлиги, туман Экология инспекцияси, ФВБ, "Тоза ҳудуд" масъул ходимлари ҳамда "Умид", "Ватан", "Ифтихор" ва "Марказ" маҳаллаларининг раислари тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Катта майдонни қамраб олган полигонни келгусида мавжуд тартиб-қоидаларга биноан, қонуний тарзда фаолият юритишини йўлга қўйиш режалаштирилган.



**ОҲАНГАРОН тумани** ҳокимлигида чорвачилик комплекслари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Унда томчилатиб суғориш усули ўзининг юқори самарадорлиги, яъни сув ресурслари чекланган шароитида кам сув сарфлаб, барқарор юқори ҳосил олиш имконини бериши билан ажралиб туриши, шунингдек, тупроқнинг намлиги ва уни яратиш учун берилаётган сув миқдори бошқарилган ҳолда, сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда тақсимланиши ҳақида сўз юритилди.

**БЎСТОНЛИҚ тумани**да "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" шиори остида марафон ташкил этилди. Марафонда туман ҳокими ўринбосарлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда 500 нафардан зиёд 7дан 70 ёшгача бўлган фуқаролар иштирок этди.

# НЕГА ТАЪЛИМ РЕЙТИНГИДА ОХИРГИ ЎРИНЛАРДАМИЗ?

Сингапурда ўқувчиларни мактабга қабул қилиш 6 ёшдан бошланади. 6-синф охирида улар ўрта мактабда ўқишни давом эттиришга рухсат берувчи PSLE якуний имтиҳонини топширадилар. Шундан сўнг, ўрта умумий таълим 4 йил давом этади. Ушбу босқичда ўқувчилар техник соҳани, бухгалтерия ҳисоби, шунингдек, давлат ва хорижий тилларни ўрганишга ихтисослашган йўналишлардан бирини ўзлари танлашлари мумкин. Яъни, бола 6-синфдан кейин ўзига керакли соҳани танлаб, ўқишни давом эттиради. Бу босқичдан сўнг умумтаълим мактаблари битирувчилари техникумларга ёки техник институтларга ўқишга қабул қилинади. Аҳамият беринг, улар 6-синфданоқ соҳага йўналтирилади ва 4 йил танлаган соҳасини мукаммал ўрганади.

Бизда эса, болалар 11 йил керак-нокерак фанларни ўқиб, вақт кетказишмоқда. Келажакда математик бўлишни истайдиган ўқувчига адабиёт, биология ва мусиқани қисқартириш ҳисобига математика фани кўпроқ ўргатилса, яхши натижа олинмайдими? Келинг таҳлил қилиб кўрайлик: нима учун ўқишга киролмаган, ишсиз, билимсиз ёшлар сони кўпайиб бормоқда.

Алалхусус, жамиятимиз ўзи фойда олмаётган тизимдан қочиб, янгисини "кашф" қилди. "Репетитор" деб номланган "касб" эгаларининг пайдо бўлиши, ўқув марказларининг кўпайиб бориши амалдаги таълим тизимининг оғир аҳволга келиб қолгани билан баҳоланмоқда. Ўзимиз ҳам бир неча йил илгари репетитор дарсларидан фанга меҳр топганмиз. У ерда эски бир мактабнинг фойдаланилмайдиган стол ва стуллари, кичик бир доска бўлган. Ўқув қўлланмаси ҳам мактабда ўтиладиган дарсликларни ўзгинаси эди. Ўшанда олий таълимга ўқишга киришнинг бошқа иложисини кўрмаганмиз...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бунга сабаб, ўқувчининг фанни чуқурроқ ўрганишга йўналтирилмаслиги ва келажакда ўз мақсадини амалда кўролмаслигида.

Бу борада дунё тажрибасидан мисол келтирмоқчимиз:

Ҳозир ҳам шундай. Демак, айтишимиз мумкинки, илм истаганлар амалдаги таълим тизимидан қониқмаяпти. Вилоятимиз ҳам бу соҳада анча оқсади. Бунга узоқдан исбот қидирмаймиз: 2019/2020 ўқув йилида Таълим инспекцияси томонидан умумтаълим муассасалари таълим сифати рейтингини аниқлаш доирасида ўтказилган назорат ишлари ва сўровномаларда Тошкент вилояти жуда паст (13-ўрин) натижа кўрсатган. Бунга сабаб бўлган бир қанча омиллар, қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида қуйида соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари фикри билан ҳам қизиқиб кўрдик.

**Тошпўлат МАТКАРИМОВ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**



– Фикримча, болани эртароқ фанга йўналтириш керак. Ўзи қизиққан йўналиш бўйича чуқурроқ таълим олсин. Халқ орасида шунга яқин нақл ҳам бор, "Ўнта ишни чала қилгандан, биттасининг устаси бўл", деган. Яна бир масала: чекка қишлоқ мактабларида кўп бўламиз. Уларнинг кўпида амалиёт хоналари йўқ. Оҳангарон мактабларининг кимё, физика лабораториялари жиҳозлар билан тўла таъминланмаган. Бу муаммони кўп бор олиб чиқдик, аммо ҳанузгача ижобий ечим бўлмади. Санъат соҳасини олайлик, бирортаям тайинли ўқитувчи қолмади, ҳисоб. Она тили, адабиёт ўқитувчиси мусиқадан дарс беради. Ёки умуман бошқа соҳа вакилига, номутахассисга дарслар берилган. Бу эса, таълим сифатини тушириб юбориши табиий.

**Комил АҲМЕДОВ, Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори:**



– Вилоят Халқ таълими бошқармасига қарашли муассасамизда 412 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Мактабга ўқувчиларни 7-синфдан, имтиҳон асосида қабул қиламиз. Бошқа мактаблардан фарқли жиҳати, бизда инглиз тили ва математика фанлари чуқурлаштириб ўргатилади. Мисол учун, инглиз тили гуруҳларида баъзи фанлар соатини қисқартириш ҳисобига инглиз тили дарслари ўтилади. Яна бир қулай жиҳати, ўқувчилар ётоқ ва 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Озиқ-овқатга кетган харажатнинг ярми давлат томонидан, қолган қисми ота-оналар бадали ҳисобидан тўланади. Бу йил 66 нафар 11-синф ўқувчиларимиз бор. Улар билан бир йил аввал қайси ОТМга ҳужжат топшириши бўйича сўровнома ўтказганмиз. Ота-оналар билан доимий мулоқот ўрнатилган. Айни дамда карантин шароитига мослашиб, анъанавий ва онлайн дарслар ўтилмоқда. Олий таълим олиш истагидаги болалар қўшимча тайёрлов дарсларига келишмоқда. Дарслар бепул ўтилади.

**Фотима ТЎХТАНАЗАРОВА, Нурафшон шаҳар Халқ таълими бўлими шўъба мудири, блогер:**



– Рейтингда охирги ўринларда эканлигимиз ачинарли ҳолат, албатта. Лекин, бунда ўқитувчиларни айблашга шошмайлик. Фараз қилинг сизнинг билимингиз зўр бўлсаю раҳбарингиз бошқа йўналишда тактика олиб борса, бажаришга мажбурсиз, тўғрими? Умумий ўрта таълимдаги ўзгаришлар аслида жадаллик билан кетмоқда: фанларга янги дастурлар, дарсликлар кириб келаяпти, ўқитувчиларнинг маоши оширилаяпти ва бу жараён узлуксиз давом этмоқда. Аммо, уларни ўқитувчиларга етказиб беришда хатоликлар мавжуд. Фикримча, методист ва ўқитувчилар малака ошириши ва тажриба орттиришдан тўхтамаслиги зарур. Мисол учун, репетитор ўқувчисини йўқотмаслик, кўпроқ маблағ топиш мақсадида ўз устида тинмай ишлайди. Ота-она ҳам пул тўлагач, натижасини талаб қилади. Мактабда ҳам шундай тизим йўлга қўйилиши керак.

*Мухтасар айтганда, бугунги муаммоларни танқидий таҳлил қилмасак, эртага ўз йўлимизга ўзимиз тўсиқ қўйиб, ундан ўтиш чораларини излаётган телбадан фарқимиз қолмайди. Тизимдаги муаммоларни кеча яширдик, бугун натижалар хатоларимизни ошкор қилди. Яна баҳоналарни рўкач қилсак, эртага келажакни барбод қилишимиз мумкин. Азиз ватандош, ҳурматли мутасадди, фарзандлар тақдирига бефарқ бўлманг. Ахир, Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз "Ўқув қайда бўлса улуғлик бўлар, билим кимда бўлса буюклик бўлар" деб бежиз айтмаган.*

**Мадина АБДУСАМАТОВА /"Тошкент ҳақиқати"/ ёзиб олди**




## ЯНА БИР ҚИЗАЛОҚ ҚУТҚАРИЛДИ

**Хабарингиз бор, Туркиянинг ғарбий қисмидаги Измир вилоятида 6,6 балли зилзила содир бўлди.**

Бунинг оқибатида бир нечта бинолар қулаб тушган, вайроналар остида кўплаб одамлар қолиб кетган.

Мамлакат фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар агентлигининг хабар беришича, зилзила натижасида 100 дан ортиқ киши қурбон бўлди, 994 киши жароҳатланган. 220 нафар жабрланувчи шифохоналарда даволанмоқда. Измирда қулаб тушган саккизта бино вайроналарида қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

Элиф Перинчек исмли қизалоқни тураржой биноларидан бирининг вайроналари остидан зилзила бошлангандан сўнг 65 соат ўтгач чиқариб олишди. Болани шифохонага жойлашган. Элифнинг оиласи юз берган воқеани ҳақиқий мўъжиза деб ҳисобламоқда.

## ХИТОЙДА АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

**Хитойда еттинчи маротаба аҳолини рўйхатга олиш бошланди. Мазкур жараёнга жами 7 млн. ходим жалб этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири тахминан 250 тадан одамни рўйхатга олиши керак.**

Рўйхатга олиш ишлари 10 декабрда якунланиши режалаштирилган. Хусусан, аҳолини рўйхатга олишда Хитой, Макао, Тайвань ва Гонконг аҳолиси ҳамда у ерда доимий равишда истиқомат қилаётган чет элликлар иштирок этишади. Бундан ташқари, хорижда яшаётган ХХР фуқаролари ҳам рўйхатга олинади.

Маълумот учун: Хитойда аҳоли илк бор 1953 йилда рўйхатга олинган. Ўшанда мамлакатда 600 млн. киши яшарди.

## ҲАЙДОВЧИСИЗ ЭЛЕКТРОБУСЛАР

**Берлин шаҳрида декабрь ойидан бошлаб бепул электробуслар қатнови йўлга қўйилади.**

"ЕвроПульс" нашрининг хабар беришича, ҳар бири 10 кишига мўлжалланган учта кичкина транспорт воситаси бир йил мобайнида шаҳар марказининг икки йўналиши бўйлаб ҳаракатланишни бошлайди.

Маълумот учун: ўтган қишда Берлинда битта электробус синовдан ўтказилган эди. Унинг йўналиши ҳозиргисидан икки баробар қисқа бўлганди.

Бу галги машиналар эса бир оз тезлашди. Аввалги электробуснинг энг юқори тезлиги соатига атиги 12 километр бўлган бўлса (велосипеддан ҳам секин), ҳозиргиси соатига 15 километр тезлик билан юради. Баҳорга келиб эса тезлик соатига 18 километргача оширилиши режалаштирилган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

# ХОЛИСМИСИЗ Ё... ОЛИСМИСИЗ?

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг вояга етган ҳар қандай фуқароси, шу жумладан, блогерлар "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, "жамоатчилик назоратининг субъектлари" бўла олишлари мумкин ва шу Қонуннинг 15-моддасига асосан, уларга жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун қатор ҳуқуқлар берилган.

Бироқ, "танқидчиларимиз" ўзлари қонунларга риоя қилмасдан тегишлича жамоатчилик назорати тартибида ўрганилмаган ва зарур маълумотлар билан тасдиқланмаган ҳолатларни умумий сафсата кўринишдаги шахсий фикрлари билан изоҳлаб, кенг жамоатчилик ўртасида носоғлом муҳит юзага келишига сабабчи бўлишмоқда.

Масалан, блогерлардан бири ўзининг интернет саҳифасида қолдирган видео мурожаатида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ишларнинг қониқарсизлиги, айрим мактаблар ёмон аҳволда қолаётганлиги, шунингдек, тест маркази мутасаддилари томонидан олийгоҳларга кириш имтиҳонлари учун тайёрланаётган саволларнинг талабга жавоб бермаслиги, бу коррупцияга йўл очаётганлиги ҳақида фикрлар билдирган.

Биринчидан, таълим тизимидаги айнан қайси мактаблар қайси сабабларга кўра талабга жавоб бермаслиги аниқ рақамлар ва мисоллар билан ёритилмаган, иккинчидан, тест маркази томонидан тайёрланган саволларнинг талабга жавоб бермаслиги махсус билимга эга мутахассис хулосаси билан тасдиқланмаган. Агар блогернинг қўлида аниқ маълумотлар ва тегишли хулосалар мавжуд бўлса нима сабабдан жамоат манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди? Ваҳоланки, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ жамоатчилик назоратини амалга ошираётган ҳар бир фуқаро бундай қилишга ҳақли эди.

Худди шу каби, жорий йил август ойида "MY-5" телеканалида Республиканинг Транспорт вазирлиги, тиббиёт соҳаси ходимлари ва блогер Ш.Мусаев ("Элпарвар") иштирокида "COVID-19" пандемияси муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга бағишланган "Очиқчасига гаплашамиз" номли кўрсатув намойиш этилди ва унда "Тез тиббий ёрдам" ходимлари уларга Президент фармони билан белгиланган тўловлар тўланмаётганлиги хусусида эътироз билдиришди.

Ҳуқуқий тарафдан шуни айтиш мумкинки, алоҳида вазиятлар сабабли айрим



тоифа ходимларга иш ҳақи тўлашнинг Меҳнат кодексида белгиланганидан ўзгача тартиби жорий қилинган ҳолатларда иш берувчи ва ишчи ўртасида юзага келган низолар меҳнатга доир муносабатлардан келиб чиқувчи алоҳида тоифадаги низолар бўлганлиги учун фақат судда ҳал этилиши лозим. Шу муносабат билан суд томонидан кимнинг ҳақ эканлиги тасдиқланмасдан туриб бир тараф иккинчи тарафни кенг омма ўртасида айблашга ҳақли эмас. Зеро, жамиятшунос олимларнинг фикрига кўра, (масалан Б.Скиннер, "Превыше свободы и чести" илмий асари) ҳуқуқий-демократик жамиятларда ҳар бир эътироз ўзининг индивидуаллигига эга бўлганлиги учун улар ҳуқуқий муносабатлар тартибида алоҳида ҳал этилиши лозим, акс ҳолда, кўпчиликнинг суд-ҳуқуқ муносабатлари тартибида ҳал этилмаган ва оқибатда умумий кўринишга эга бўлиб қолган эътирозлари қоришиб кетиб, бу ўзини оқламаган турли норозиликларга сабаб бўлиши мумкинлиги таъкидланган.

Шунингдек, қайд этиш керакки, жамият аъзоларида ижтимоий фикр шаклланишида муҳим ўрин тутадиган, кучли тарғибот машинаси ҳисобланган оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам белгиланган эркинликлар суиистеъмол қилинаётганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, 2019 йил 6 ноябрь куни "MY5" телеканали ходимлари бирор-бир маълумот олиш ёки раҳбарларнинг интервью-



сини ташкил этиш ҳақида олдиндан мурожаат қилмасдан, журналист ахлоқ-одоб қоидаларига зид равишда тўсатдан Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносига кириб келган ва ёқилган камера остида хоналарни кўздан кечириб, ходимларни сўроққа тутган.

Бундан ташқари, телеканал мутасаддилари томонидан Ўзбекистон Республикаси "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасида кўрсатилган: "журналист ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган: "ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланиши" ҳамда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси, 4-хатбошида кўрсатилган: "оммавий ахборот воситалари қонун-ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш.... ҳуқуқига эга ва тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ҳамда ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлиши" ҳақидаги талаблар бузилган ҳолда тайёрланган кўрсатув 2019 йил 8 ноябрь куни эфирга узатилиб, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги ва раҳбарларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига сабабчи бўлишган.

Ушбу ҳолат ҳақидаги низо 2020 йил 8 сентябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани судида кўриб чиқилиб, жавобгар "MY5" телеканалига нотўғри эълон қилинган маълумотлар учун даъвогар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигидан узр сўраш ва туман ҳокимига етказилган маънавий зарар ҳамда ҳокимликнинг суд харажатларини тўлаб бериш мажбуриятини юклаш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Юқоридагилардан кўринадики, бизнинг ҳуқуқий маданиятимиз ҳали мақтанадиган даражада эмас ва бунинг иккита муҳим сабаби бор.

Биринчидан, ҳуқуқий маданият даражасини белгиловчи "ҳуқуқий тарбия", "ҳуқуқий онг" ва "ҳуқуқий руҳият" каби 3 та муҳим омил борки, улар жамиятда шаклланмас экан, шахснинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлолмайди.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарбия бериш ва шунинг натижасида авлодларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий руҳиятни шакллантиришга шунчаки тарғибот-ташвиқот олиб бориш билан эришиб бўлмайди ва бу мақсадлар учун сарфланган маблағ ҳамда вақт самарасиз кетади.

Мана шу иккита бартараф этилмаган сабаб борки, жамиятимизда ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий деградациялашув шарт-шароити юзага келган ва бунинг натижасида саноғи йўқ бошқа салбий оқибатлар келиб чиқмоқда. Ўз навбатида, билиб қўйишимиз керак – ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқни билмасликлари, уни тан олмасликлари ёки ҳуқуқни ўз манфаатларига мос талқин қилишлари – бу ҳуқуқий нигилизм деб аталади. Шунингдек, ҳуқуқий нигилизм ҳукмрон бўлган жамиятларда қонунларнинг манфаатларга мослаштирилиши ҳолатлари мавжуд бўлади. Ҳуқуқий деградациялашув эса – бу шахс ёки шахслардаги ҳуқуқий билимнинг ва онгнинг қотиб қолиши, орқага чекиниши, шахсни ўз устида ишламаслиги, ҳуқуққа, шу жумладан, ўз ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан бефарқлиги кабилар тушунилади.

Шу нақтаи назардан келиб чиқиб, биринчи галда ёш авлодга болалигиданоқ ҳуқуқий тарбия бериш йўлга қўйилиши керак ва бунга таълим тизими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси, деб қарамасдан, комплекс ёндошув жорий қилиниши лозим. Иккинчи муҳим вазифа – бу ёш авлодни тарбиялаш баробарида катта авлодларни ҳуқуқни бузишларидан ҳуқуқий воситалар орқали тийиб туришга жиддий ёндашиш керак, яъни, катта авлодларни биргина тушунтириш ёки тарғибот орқали қайта тарбиялашнинг иложиси йўқлиги эҳтимоли юқори бўлганлиги учун уларнинг ҳар қандай қонун ёки қоидабузарликлари учун жазо муқаррарлиги муросасиз таъминланиши керак.

*Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, биз барчанинг эркин ва шу билан бирга қонун олдида тенг эканлиги таъминланган ҳуқуқий демократик жамият қурмоқчи эканмиз, аввало, ўзга жамиятлар демократиясига қараб хулоса чиқармайлик, аксинча, демократия босқичма-босқич шаклланиб, ривожланиб борадиган табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун халқимиз ва миллатимизнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлар асосида шаклланган ижтимоий онги ҳамда психологиясини эътиборга олиш жуда муҳимлигини тўғри англаб, демократик тамойилларни белгилашда дунё жамиятларининг амалиёти билан бир қаторда ўз миллий ва диний қадриятларимиз ҳам бор эканлигини унутмайлик.*

**М. ҚИЁМОВ,**
**Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги ҳуқуқшуноси**

Томорқа – хазина



# МЕҲНАТДАН – Фароғат, ҲАРАКАТДАН – Камол...

**Тошкент туманининг “Исломобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Камолжон Шодиметов кексалик гаштини суриш билан бирга хонадонида иссиқхона барпо қилиб, 20 дан зиёд гул ва 10 турга яқин дарахт кўчатларини парваришламоқда.**



Турмуш ўртоғи Фароғат опанинг айтишича, у киши уйда бекор ўтиришни, бемақсад кўча айланишни хушламайдилар. Аксинча, ҳар бир ўтаётган вақтни олтинга тенг билиб, доимий кун тартибини белгилаб олганлар.

Иссиқхонада ноёб турдаги гуллар ҳам кўп экан. Жумладан, халқ ичида “жаннат гули” номи билан машҳур “меҳригиё”, барги кўп дардга даво саналган “золотой ус” гуллари ҳам бор.

Дарҳақиқат, гул бор жойда гўзаллик ва файз бўлади. Шодиметовлар оиласида ҳам шундай муҳит ҳукмрон. Хонадонга кирсангиз, баҳри дилингиз очилади. Камолжон ака ҳовлисидаги ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланади.

– Баъзилар бозорда нарх-наво баланд, деб нолишади, – дейди Камолжон ака. – Ваҳоланки, кўпчилигининг томорқаси бўш, қаровсиз ётади. Агар ўша ердан самарали фойдаланилса, бозорга деярли эҳтиёж сезмайди. Ахир, бекорга еримизни хазина дейишмайдику?!

“Қуш уясида кўрганини қилади” деганларидек, неваралар ҳам табиатни севишади, меҳнатдан қочишмайди. Уйда тўти ва қуён боқишади. Бир сўз билан айтганда, оиладаги муҳит соғлом. Камолжон ака ва Фароғат опа бор меҳрларини набираларига бериб, уларни меҳнатсевар қилиб тарбиялашмоқда.

*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*

"Тошкент ҳақиқати" таништиради

# ТУРСУНОЙ ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

**Хабарингиз бор, XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари пандемия сабабли келаси йилга қолдирилди. Аммо, мусобақага тайёргарлик сусайгани йўқ. Вилоятимизнинг бир неча спортчилари ҳам Токио олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритишган. Мухбиримиз улардан бири – бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Турсуной Раҳимова билан суҳбатлашди.**



**– Ҳар бир спортчининг орзуси бўлган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига тайёрганлик қандай кетаяпти?**

– Очиғи, жуда ҳаяжондаман. Шунга қарамай, тайёргарлик кўнгилдагидек давом этмоқда. Ҳар куни мураббийим кўрсатмалари асосида шуғулланаяпмиз. Карантин юмшатилганлиги сабабли, юртимизда кетма-кет турли мусобақалар старт олмоқда. Яқинда бокс бўйича аёллар ва эркаклар ўртасида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон кубогида иштирок этаман. Шунингдек, бошқа давлатларда ҳам мусобақалар ўтказила бошланди. Уларда ҳам қатнашиб, олимпиадагача янада тобланаман.

**– Сиз ўзбек бокси тарихида олимпиадада иштирок этаётган иккинчи аёл спортчисиз. Бу сизга катта масъулият юкласа керак?**

– Ўзбекистон бокси жаҳонда биринчи рақам: хоҳ эркаклар бўлсин, хоҳ аёллар. Рақибларимиз бизнинг боксчилар билан тўқнашишга чўчишади, рингга ҳайиқиб чиқишади. Ўзимга келсак, рингга қандайдир босим ёки қўрқув билан чиқмайман. Боиси, ҳар қандай мусобақада Ўзбекистон шаъни учун курашаман. Ўзбек боксини дунёда катта эътибор билан кузатишади. Қизларимиз кучли, ҳали яна 4 та лицензия учун имконият бор. Умид қиламанки, менга шерик топилади.

**– Айнан бокс билан шуғулланишингизга ота-онангиз қаршилик қилишмаганми?**

– Боксга кириб келишимга отам сабабчи бўлганлар. Дастлабки мураббийим ҳам отам. Аммо, онам анча қаршилик қилганлар.

**– Олимпиада ўйинлари бир йилга қолдирилгани зарарга ишладими ёки фойдага?**

– 2016 йил Риода ўтган олимпиадада спарринг партнёр бўлиб борганман. Озгина бўлсада тажрибам бор. Олимпиаданинг қолдирилгани эса шахсан мен учун фойдали бўлди, деб ўйлайман. Чунки, яна бир йил жисмоний ҳолатимни яхшилаб оламан. Ниятим – олимпиададан олтин медаль билан қайтиш.

**Суҳробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/ суҳбатлашди.**

# Паркентлик ёшлар ШИЖОАТИ

Ҳавас

**Ўрта Чирчиқ туманида ҳарбий мактаб ўқувчилари ўртасида “Ёш гвардия” ҳарбий спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада Чирчиқ шаҳрининг 10-, Бекобод туманидан 9-, Паркент туманидан 5- ҳамда Оққўрғон туманидаги 49-сонли ихтисослаштирилган мактабларнинг 7-9-синфларидан жами 8 нафардан иштирокчи жамоалар қатнашишди.**









Жамоалар таништириш, билимлар синови, саф тайёргарлиги, заҳарланган ҳududдан ўтиш, ўқ-дориларни белгиланган жойга етказиш ва ўқдонга жойлаш, эстафета, қуролни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, арқон бўйлаб ҳаракатланиш каби жами 8 та шарт бўйича ўзаро беллашишди. Барча жамоалар мусобақага пухта тайёрланиб келганликлари тадбир давомида намоён бўлди.

Якунда Паркент туманининг 5-мактаб ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаб, ҳарбий спорт ўйинларининг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди, Оққўрғон ва чирчиқлик ёш ҳарбийлар кейинги ўринларни банд этишди.

Ғолиб ва совриндорлар кубок ва медаллар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Садир ОБИДЖОН**



# СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## “Бавария” самолётдан воз кечди

**"Бавария" ЕЧЛнинг 3-тури доирасида Австриянинг "Ред Булл Зальцбург" жамоасига қарши баҳс олиб боради.**



Ханс-Дитер Флик шогирдлари ушбу ўйинни ўтказиш учун клуб автобусида боради. Раҳбарият самолёт хизматидан воз кечган.

Германия пойтахтидан Зальцбургга қадар йўл тахминан 144 километрни ташкил қилади. Футболчилар автобусда ушбу масофани деярли 2 соатда босиб ўтишади.

## Энг йирик мағлубият

**Ўзбекистон Суперлигасининг 22-турида ОКМК ва "Пахтакор" жамоалари ўзаро тўқнашишди.**



Унда олмаликликлар 0:6 ҳисобида мағлуб бўлишди. Шундай қилиб, ОКМК чемпионатдаги энг йирик мағлубиятга учради.

Клуб бунга қадар чемпионат доирасида битта ўйинда 6 та гол ўтказмаганди. Бундай йирик мағлубият 2017 йилда "Локомотив"га қарши сафардаги баҳсда кузатилган эди – 0:5.

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК спортчида допинг аниқланди

**Ўзбекистонлик сузиш спорти вакиласи Бибигул Менлибаевада допинг аниқланди ва у 2 йилга дисквалификация қилинди.**

Халқаро сузиш федерациясининг (FINA) хабарига кўра, Б. Менлибаевада 2019 йил 25 сентабрда Бенгалор (Ҳиндистон)да бўлиб ўтган X AASF Осиё чемпионатида олинган допинг тестида тақиқланган модда аниқланган (S6. Стимуляторлар). Бу «Токио-2020» да иштирок этиш учун лицензион мусобақа эди. Шу муносабат билан FINA Ахлоқ комиссияси Б. Менлибаевани 2 йилга дисквалификация қилиш бўйича қарор қабул қилди.




**Интернет материаллари асосида тайёрланди**

Нимкоса

Кўчада деярли ҳар куни бир ҳолатни кузатаман: тўрт ёшлардаги болакай боғчага кетаётганда дўкондан нимадир олиб беришни талаб қилади. Онаси сал эътироз билдирса, у йиғлай бошлайди. Аёл фарзандининг бошини силаб “секин...” дейди. Аммо, бола овозини янаям кўтаради, онасининг қўлидан силтаниб чиқишга уринади. Атрофдагилардан хижолат бўлган она дўконга бурилади...

# ”КЕЛ-КЕЛ ДЕСАНГ, НОЗИ КЕЛАР...“



Шунда бувим раҳматлининг бир ибратли таълими ёдимга тушади: қариндош аёллар йиғилиб ўтирганда кимнингдир боласи тинмай онасига ёпишиб хархаша қилса, инжиқланаверса, бувим: “Парво қилманглар, раъйига юриб, кўзига термулаверсанг, тантиқлиги ортаверади. Ҳар ким ўзининг иши, гапига машғул бўлсин”, дердида қўшиб қўярди: “Кел-кел десанг, нози келар, индамасанг ўзи келар”. Катталар ҳатто онаси: “Нима дейсан, нима ейсан?” деб болага парвона бўлмай, унинг хархашасини билмаганга олса, бувим айтмоқчи, “осмонда булутлар тарқалади”, яъни эътибордан четда қолган бола секин-аста мулойимлашиб, даврага қўшиларди.

“Кичкинаку, нимани биларди?” деймиз. Аслида, бобою бувиси, ота-онасининг кайфиятини илғаб олиш ва бундан ўзининг истакларини амалга ошириш учун фойдаланишда болалар айрим ёши улуғлардан ҳам уқувлироқ. Агар катталар: “Майли, тинч ўтирсин”, “йиғламасин”, “асабимни бузмасин” деб ҳар қандай истагини бажараверсалар, бола уларнинг гапига кирмай, йиғлаб, асабларини таранглаштириб ўз гапи, хоҳишларини ўтказишнинг устаси бўлиб бораверади. Ҳолат шундай давом этаверса, фарзанднинг бу одати атрофдагиларнинг фикрини менсимаслик, қандай қилиб, бўлмасин, ўз гапу истагини ўтказиш, жаҳл ва асабийлик билан мақсадга интилиш иллатига айланиб боради.

Боланинг гапларини диққат билан эшитиш, унинг илтимоси ёки талаби қанчалар тўғри ёки нотўғри эканини яхшилаб тушунтириш, ножўя ўйинлар, машғулотлардан қайтарганда бунинг сабабини изоҳлаш ота-онани фарзанд билан яқинлаштиради, уларга ишончини орттиради, ўзаро чиройли муомала-муносабатга замин яратади. Яна муҳими, ота-оналар самимий кайфиятда фойдали, ибратли, қизиқарли машғулотлар, юмушлар билан мунтазам машғул бўлсалар ва бунга кичкинтойларни ҳам жалб этсалар, ўғил-қизлар уларнинг изидан бораверади.

**К. САЛОМОВА**

ҲУРМАТЛИ ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ, БОШҚАРМА, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ!

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ВА "ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАРИ!

Президентимиз Фармон ва қарорлари, қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар, мамлакатимиз, айниқса, вилоятимиз ҳаётидаги кенг қамровли ислоҳотлар ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлмоқчимисиз?

Маънавий-маърифий, танқидий-таҳлилий мақолалардан баҳраманд бўлишни истайсизми?

*Унда марҳамат, қадрдон газетангиз –*

**«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»**

*вилоят газеталарига*

**2021 йил учун обуна бўлинг.**

**Обуна баҳоси *(1 йилга)*:**

**"Тошкент ҳақиқати" – 304 980 сўм**, манзилга етказиб бериш билан 376 740 сўм;

**"Ташкентская правда" – 197 340 сўм**, манзилга етказиб бериш билан 252 000 сўм.

Обуна ҳудудий почта бўлинмалари ҳамда шартнома асосида тўғридан-тўғри таҳририят орқали амалга оширилади.







**Мурожаат учун телефонлар:**

71 233-54-10, 97 701-54-10

**Обуна индекси:**

*"Тошкент ҳақиқати" – 205*
*"Ташкентская правда" – 207*

## Эълон

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси томонидан 2019 йил 8 августда Сапиев Абдурахим Хамракулович номига берилган шаҳар йўловчилар траспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи O’zR серияли 122192 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

**Манзилимиз:** 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

**Тошкент шаҳридаги офисимиз:** 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.*

Навбатчи муҳаррир **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**

Назоратчи мусаҳҳиҳ **Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА**

Навбатчи **Зуҳриддин РАҲМОНОВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-1143. 4 367 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz

ISSN 2010-9318. *Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.00* 1 2 3 4 5 6